

Илк қалдирғочининг эришган ютуқлари

ТИҚХММИ Қарши филиали ҳузуридаги академик лицей 106-гурух ўқувчиси Норов Асилбек “Ўзбек жанг санъати” спорт тури билан кўп йиллар давомида шуғулланиб келади. Ҳозирги кунгача кўпгина ютуқларга эришиб келмоқда. Республика чемпионатида Норов Асилбек “Ўзбек жанг санъати” спорт тури ёшлар, ўсмиirlар ва катталар ўртасида жамоавий беллашув йўналишида фахрли учинчи ўринларни, бронза медал соҳиби ва Қашқадарё вилояти биринчилигида 19-20-октабр кунлари ушбу спорт тури бўйича ёшлар ва ўсмиirlар ўртасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб олтин медал соҳиби бўлди. Академик лицей томонидан қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Қолаверса, Норов Асилбек жорий йилнинг 7-апрелида Осиё чемпионатида биринчи ўрин, 27-28-апрел кунлари ўтказилган халқаро спорт мусобақасида биринчи ўрин, Республика миқёсида мусобақаларда 10 маротаба биринчи, 4 маротаба иккинчи ва 9 маротаба фахрли учинчи ўринларни эгаллаган. Академик лицей тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, ўз соҳаси бўйича чуқурлаштирилган фанлардан, яъни кимё ва биология фанларидан ҳам аъло баҳоларда ўқиб келмоқда.



Академик лицей маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Д.Турсоатов ахбороти

Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов